

**Мактабгача Ёшдаги Болаларнинг Нутқий Вазифаларни Таълимий Тарбиявий
Аҳамияти Ва Уларни Амалга Ошириш Йўллари**
Ойбарчин Махмудова

в.б доценти, . Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Ўзбекистон. Profi университет

Ҳаммага маълумки, бола дунёга келган кундан бошлаб давлат ва жамият ҳамда ота- она зиммасига уни соғлом, ақлли, хушхулқли қилиб тарбиялаш вазифаси қўйилади. Давлат ва жамиятнинг келажаги ёш авлоднинг қандай вояга етишига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Шу боис, “Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепцияси мамлакатнинг ижтимоий иқтисодий тараққиётини таъминлашнинг асосий омили бўлган кадрларни тайёрлаш борасидаги зарур тадбирлар тизими белгиланган. Бу эса, мактабгача таълим тизимининг самарали ва серқиррали усуллари билан бойитиш, айниқса болаларимизни мактаб таълимига замон талаб даражасида тайёрлаш муаммосини ижобий ҳал этиш вазифаларини қўймоқда.

Ушбу вазифаларни ҳал қилишдаги омиллардан бири мактабгача таълим тизимида дидактик ўйинларни қўллаш заруратидир. Дидактик ўйин болани ақлий тарбиялашнинг муҳим воситаси вазифасини ўтайди, болаларда когнитив жараёнлар ва операцияларни ривожлантиришга ёрдам беради. Билимларни ўзлаштириш ва мустаҳкамлашга ёрдам бериш билан бирга дидактик ўйинлардан фойдаланиш болаларнинг нутққа қизиқишини оширади, диққатни жамлашни ривожлантиради ва нутқ материални яхшироқ ўзлаштиришни таъминлайди..

Дидактик ўйинларнинг асосий хусусияти уларнинг номи билан белгиланади: бу таълимий ўйинларидир. Улар катталар томонидан болаларни тарбиялаш ва ўқитиш мақсадида яратилган. Болалар учун дидактик ўйиннинг таълимий ва тарбиявий аҳамияти унинг вазифаси, ҳаракатлари, қоидалари орқали амалга оширилади.

Дидактик ўйиннинг ўзига хос хусусияти таълим элементларининг ўйин элементлари билан боғлиқлигидир. Таълим, дидактик мазмун дидактик ўйинларнинг бошқа томони - фаолият билан мувозанатланади. Шунинг учун машғулотлар болаларнинг диққатини имкон қадар кўпроқ жалб қиладиган тарзда ташкил этилади. Яхши ишлаб чиқилган дидактик ўйинда болалар бирор нарсани ўрганаётганига шубҳа қилмасликлари керак. Бу ерда фаолият кўп ёки камроқ даражада ўйиннинг таълимий, дидактик мақсадини яшириши керак. Дидактик ўйинни ўтказишда болалар доимо ўрганиш эмас, балки ўйнашларини ҳис қилишлари керак.

Мактабгача педагогика ва методикасида дидактик ўйинларнинг анъанавий бўлиниши: объектлар билан ўйинлар, столли - босма ўйинлар, сўз ўйинлари.

Дидактик ўйин бир нечта таркибий қисмларни ўз ичига олган ўзига хос тузилишга эга бўлиб, унда ўқув вазифаси, ўйин ҳаракатлари қоидалар - ўйин мазмунини амалга оширишни таъминлайди. Ўқув вазифаси, ўйин ҳаракатлари ва қоидалари ўртасида яқин боғлиқлик мавжуд. Ўқув вазифаси ўйин ҳаракатларини белгилайди, қоидалар эса, ўйин ҳаракатларини амалга ошириш ва муаммони ҳал қилишга ёрдам беради.

Дидактик ўйин кўп қиррали, мураккаб педагогик ҳодисадир; у болаларни ўргатишнинг ўйин усули, таълим шакли, мустақил ўйин фаолияти, болаларда турли сифат, кўникма ва малакаларни шакллантириш воситаси бўлиб хизмат қилади.

Қўйида мактабгача ёшдаги болаларнинг нутқий таснифи келтиришни лозим деб топдик: Болани жуда кўп турли товушлар ўраб туради: одамларнинг нутқи, мусиқа садолари, баргларнинг шитирлаши, қушларнинг чуғурлаши ва ҳаказолар. Барча товушлардан, боланинг қулоғи фақатгина мулоқат асоси бўлиб хизмат қилувчи сўзлар, нутқий товушларни қабул қилар экан. Бола улғайган сари нутқни тинглайди, сўз жарангини солиштиради, фарқлайди, она тили товушларини эшитиб, талаффуз этишга уринишни бошлайди. Эшитилган сўзларга тақлид қилиб, қайтаради ва мулоқатга киришиб кетади. Лекин ҳамма болалар ҳам эшитилган сўзларни ҳар доим ҳам тўғри талаффуз қила олмайди: бир томондан, бўғинга оид тузилмани сақлаган ҳолда сўздаги мавжуд товушларни аниқ айтиш малакасига эга эмаслиги бўлса, иккинчи томондан, асосий сабаби анатомик ўсиб ривожланмаганлик бўлиши мумкин. Яъни, тил мускулларининг шаклланмаганлиги, жағ тишларнинг ўсмаганлиги, лабларни керакли ҳолатга келтира олмаслик- сўзларни яхши талаффуз қилмасликнинг сабаблари бўлиши мумкин. Она тили товушларини ҳосил бўлишида, тилнинг фаол иштироки ва тўғри ҳолати муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек нутқнинг аниқлиги, ундош товушларни равшан талаффузига боғлиқ. Нутқнинг тўғри ривожланиши учун аҳамиятли жиҳатлардан бири- бу тўғри нутқий нафас олишни таъминловчи товуш ва овоз тузилмасини меъёрдалигида. Масалан: нафас кучини етарли даражада чиқармаслик натижасида тил учини тебратиш ҳолатига келтира олмаслик оқибатида, баъзи болалар “Р”товушини нотўғри талаффуз қилишга сабаб бўлади. Нутқ ўстириш жараёни, шаклланган фонематик эшитувига ҳам боғлиқ, нутқий товушларни (фонемалар) бир-биридан фарқлаш. Жаранглашда яқин бўлган сўзларни фарқлашни ўргатиш: сув-зув, дарс-дарз, қарс-қарз.

Ўзбек алифбосида 23 ундош ва 6 унли фонема мавжуд бўлиб, баъзиларини артикуляцияси бир хил бўлгани билан жаранглаши турлича: с-з, к-г, д-т. Эшитув идрокини етарли даражада шаклланмаганлиги товуш, бўғин ва сўзларни нотўғри талаффузига сабаб бўлади.

Айтилганларни барчасидан келиб чиқиб, товушларни тўғри талаффуз этишга машқ орқали, сўзни аниқ оҳангдорлигига эришишда артикуляция малакаларини, яхши дикцияни ишлаб чиқаришда нутқий нафасни ўстириш, фонематик эшитувини

такомиллаштиришда эса нуткни эшитиш орқали бола нутки устида ишлаш зарурати пайдо бўлади.

Болалар интеллекти, мантикий фикрлаши барвақт ривожланишига кўмаклашувчи ва ривожлантирувчи кўргазмали қўлланмалар, дидактик материаллар, мантикий ўйинлар билан таъминлаш йўллари талаб этади. Бу ечимни ҳал этишга дидактик ўйинлар, таълимий ва ривожлантирувчи таълим тарбиявий жараёнда фойдаланиш айтилмоқда. Таълим тарбиявий иш сифатини яхшилашнинг асосий шартлардан бири - бу машғулоти ва боланинг мустақил фаолиятидаги таълим жараёнини такомиллаштириш, педагог томонидан изланувчанликни, ўргатишни янги усуллардан фойдаланиш талаб этади. Танланган ўйинлар ва машқларда товушларни услубий меъёрга келтириш ва мустаҳкамлаш, теварак-атрофда мўлжал олишни такомиллаштиришга ва луғатни шакллантиришга қаратилмоғи шарт.

Атроф муҳит тўғрисидаги билимларни кенгайтириш, фаол луғатни шакллантирувчи ўйин 1. "Янги уйга кўчамиз" (стол ўйини)

Мақсад: Болаларни кўриниши ва ишлатилиши бир хил, номланиши ҳар хил предметларни фарқлашга ўргатиш, нутқда тегишли луғатни фаоллаштириш.

Ўйиннинг жиҳозлари:

1. Жуфтли предметли расмлар: пиёла-кружка, стакан-бокал, чойнак-човгум, қозон-кастрюлька, рўмол-дастрўмолча, телпак-дўппи, пальто-куртка, шим-калта шим, пайпоқ-голфи, туфли-калиш, қандил-лампочка (1 расм).
2. Расмларни йиғиш учун қутичалар



Ўйиннинг бориши

Мазкур ўйин 6-9 нафар бола билан ўйналади. Тарбиячи ҳар бир болага 2-3 жуфтли расмларни тарқатади, масалан пиёла-кружка, чойнак-човгум, рўмол-дастрўмолча.

Тарбиячи: "Янги уйга кўчамиз. Кўчиш учун барча нарсаларни тахлашимиз керак. Аввал идишларни жойлаштирамиз. Сиз менга ёрдам берасиз. Мен айтган нарсалар

расмини берасиз. Кўп нарсалар бир- бирига ўхшаш диққат билан тинглаб адашмай айтганимни берасиз. Мен уларни қутига жойлаштираман ”.

Тарбиячи барча жуфтли предметлардан биттасини номини айтади, масалан човгум. Бола адашиб чойнак расмини кўрсатса, расм ўзида қолади.

Ўйиннинг охирида болаларда расмлар қолиш керак эмас. Кимда расмлар қолиб кетса, шу бола ютқазган ҳисобланади.

Нутқда тегишли луғатни фаоллаштириш мақсадида тарбиячи болага қутидан расмлар битта жуфтини олишга ва уни номини айтишга таклиф қилади. Иккинчи жуфт номини эса , қолган болалар айтишади.

АДАБИЁТЛАР

1. Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Қонуни. ЎРҚ-595-сон. — Т.: 2019 й.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 майдаги ПҚ-4312-сон қарорига Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепцияси 2019 йил 13 май, 19-сон, 364-модда.
3. Бондаренко А.К. Словесные игры в детском саду. – М.: Просвещение, 1974.
4. Бондаренко А.К. Дидактические игры в детском саду. – М.: «Просвещение», 1991.
5. Бородич А.М. Методика развития речи. – М.: «Просвещение»№, 1981.
6. О.Махмудова, Г.Алиходжаева. "Ўйнаб, ўргатинг" Педагоглар учун методик қўлланма. -Т.:2017. Б-69.